БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
3 ноябрь
Шанба
№ 211 (13.647)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Шаҳрисабз комсомоли 70 ёшда

ЁШЛИКНИНГ ЖЎШҚИН МЕҲРИ





ОҚСАРОЙ... Айтишларича бир вақтлар ўз салоҳияти ва гўзаллиги билан беқиёс бўлган муҳташам бу бино пештоқига улуғ Амир Темур «Қудратимизга шубҳа қилсангиз биноларимизга боқинг», сўзларини нишо қилдирган экан. Ҳа, бугунги кунда мунғайиб, даврлар, замонлар талотўпида харобага айланган бўлса-да Оқсарой ҳамон тирик. У авлодларга боболари санъатига меҳр уйғотиш учун асрлар оша одимлаб келаётган нуроний отахонни эслатади. Яқинда Шаҳрисабз жамоатчилиги Оқсарой атрофидаги хиёбонга улуғ бобокалонимиз, моҳир саркарда Амир Темур номини берди. Хуллас, тарих ғилдираги аста-секин ўз табиий изига тушмоқда.

Саховатли кузнинг шу кунлари қадимий шаҳар ҳаётига ёшларнинг шўх ўйин-кулгулари, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, шеърият кечалари, концертлар ўзгача мазмун бахш этаётир. Гап шундаки, байрамлар, байрамларга уланган. Шаҳрисабз ноҳияси давлатга «оқ олтин» топшириш режасини уддалаган куннинг эртасига комсомоллар ўзларининг 70 йиллик тўйларини нишонлашга аҳд қилдилар. Тантаналарнинг қутлуғ меҳмонлари албатта комсомол фахрийлари бўлишди. Улар сафида 20-, 30-, 40-йиллар комсомоллари ҳам бор эдилар.

— Шаҳрисабзда дастлаб 1920 йилда илк ячейка тузилган эди. Унга 16 ёш йигит-қиз аъзо бўлди, — дея ҳикоя қилади 30-йиллар комсомолларидан бири Ш. Худойбердиев.


Шаҳрисабз шаҳар комсомол қўмитаси биринчи котиби Мусурмон Ҳомидовнинг қайд этишича, ҳозир 260 бошланғич ҳамда 11 шаҳарқўм ҳуқуқидаги комсомол ташкилотлари билан бирга 20 та комсомол қўмитаси мавжуд. Улар ўз сафларида 26029 нафар йигит-қизни бирлаштириб турибди.

Айрим жойларда комсомол аъзолари сони камайиб бораётган айни пайтда 1500 дан зиёд шаҳрисабзлик ёш йигит-қизлар жорий йилда ўз фаолиятларини комсомол ҳаёти билан боғладилар. Комсомолга қабул қилишда илгаригидек сон кетидан қувилаётгани йўқ. БЛКЁИ сафларини талабчан ва курашчан, ишда илғор ва маънавий жиҳатдан пок ёшлар ҳисобига кенгайтириш комсомол ташкилотининг диққат марказида турибди.

Шаҳрисабзлик комсомоллар ўзларининг юртлари улуғ ота-боболари пойи қадами теккан муборак маскан эканлигини яхши биладилар. Уларга муносиб фарзандлар тарбиялашда шаҳар комсомол қўмитаси ўзида юксак масъулият сезади. Турли муаммолар юзага чиққан ҳозирги пайтда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, Шўро Армиясида хизмат қилаётган юртдошларимизга маънавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ёшлар ҳаётидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишда ҳам комсомол талай ишларни амалга оширмоқда.

Қилинажак ишлар кўп. Ўзларининг 70 йиллик тўйларида шаҳрисабзлик комсомол-ёшлар ўтмишга назар ташлаш билан бирга ана шу — келажакда қилинажак ишларни ҳам белгилаб олмоқдалар. Барча эзгу ишлар руҳнинг кўтаринкилигисиз амалга ошмайди. Ана шу сабабли байрам тантаналари қувноқ қўшиқларга, фольклор лапарларига, ҳазил мутойибага бой бўлди. Шаҳар мактабларининг кашшофлари комсомолни ажойиб байрам концерти билан қутладилар.

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.









Суратларда тасвирланганидек, байрам барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Суратлар муаллифи: Жўра БОБОРАҲМАТ.

«Ҳосил—90»

ЖУМҲУРИЯТ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССЖ давлат ҳисоб қўмитасидан хабар қилишларича, 2 ноябрь куни жумҳурият пахтакорлари юксак марраниң эгалладилар — давлатга 5 миллион тонна пахта сотдилар. Ҳосил мисли кўрилмаган қисқа муддатда териб олинди. Режа эса беш фоиздан зиёд ошириб бажарилди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари топшириқни ошириб бажардилар.

Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Андижон вилоятларининг деҳқонлари алоҳида ибрат кўрсатдилар. Самарқанд вилоятининг пахтакорлари сўнгги йилларда биринчи марта давлат буюртмасини уддаладилар. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларининг механизаторлари машина терими режасини анча ошириб адо этдилар. Жумҳуриятда машина терими режаси ўрта ҳисобда 98 фоиздан ошириб бажарилди.

«Оқ олтин» мавсумини якунлаб, шуни таъкидлаш керакки, чигит экиладиган майдонларни камайтириб, айни вақтда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш юзасидан танлаб олинган йўл ўзини тўла-тўкис оқлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, гектар бошига ўртача 27,4 центнер хом ашё олинди.

Пахтакорларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ оширганлиги терим суръатларининг юқори бўлишига ёрдам берганлиги, шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида хом ашё сифатининг юқори бўлишига (ҳосилнинг 88 фоизи биринчи навларда топширилишига), қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлиги ошишига олиб келди. Ижарачи ва пудратчи жамоалар ўз меҳнатига одилона баҳо берилганини, ишни ташкил этишнинг янги усуллари фойдали эканини ҳис қилдилар.

Эндиги иш пахта тозалаш заводларининг ходимларига боғлиқ. Деҳқонлар эса ғайрат суръатини пасайтирмай, далаларни ғўзапоядан тозалаб, шудгор қилишга киришдилар, янги мавсумга ҳозирлик кўра бошладилар.

(ЎзТАГ).

Мудрашмаяпти

МОСКВА. И. А. Лихачев номли автомобиль заводининг пўлат ва рангли металлар қуядиган асосий цехида қуймалар тайёрлаш учун мўлжалланган янги линия ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бу линия тайёрланаётган қисмлар турини анча кўпайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу цехнинг металл эритиш участкасида пўлатни ток ва ниобий билан легирлаш усули жорий этилди. Бу усул унинг механик ва фойдаланиш хусусиятларини яхшилабгина қолмай, шу билан бирга таннархини ҳам анча пасайтиради. Ана шу янгиликнинг ўзини жорий этиш туфайли олинадиган иқтисодий самаранинг ўзиёқ йилига 350 минг сўмликдан зиёд бўлади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Съезд назарингизда қандай ўтди?

Кеча комсомол олий мактабидаги манзарани кўрган киши жумҳурият комсомоли XXIV съезди ҳақида олдиндан тасаввурга эга бўлиши қийин эмас. Бу ерда съезд олдидан Ўзбекистон комсомолини ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий амалий конференция иш бошлади.

Конференция ишида барча вилоятлардан комсомол ходимлари, съезд делегатлари иштирок этиб, Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва ҳаракатномаси лойиҳалари, Ўзбекистон ССЖ давлат ёшлар сиёсати қонуни, шунингдек, съездда кўриладиган бошқа асосий масалалар муҳокамалари юзасидан баҳс-мунозара бўлди. Ҳар бир масала муҳокамаси гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

Мунозараларда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси иккинчи котиби И. Бибиков, Жумҳурият Президент кенгаши аъзоси, Ёшлар ташкилотлари Қўмитаси раиси А. Саидов, комсомол кадрлари ва фаоллари малака ошириш олий билимгоҳи ректори Р. Собиржонов, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий қўмитаси ёшлар ижтимоий-иқтисодий муаммолари бўлими мудири А. Арапов, ёшлар сиёсати шўъба мудири Э. Розиқов, мафкура бўлими мудири И. Абдукаримов ҳамда олий билимгоҳнинг ўқитувчилари қатнашдилар.

Конференция ўз ишини бугун давом эттиради.

(Ўз мухбиримиздан).

Биз—бир юрт фарзандларимиз

ДАРЁЛАР ТУТАШГАН МАНЗИЛ

ТАРИХ ШАМОЛЛАРИ ҳамиша ҳам инсоф билан эсавермайди. Бу бизнинг кулфатимиз. Ва лекин, ана шу кулфатни бартараф қилиш учун табиат бизга ақлу заковат, меҳру муҳаббат, ақлу инсоф туйғуларини ато этган. Бу фазилатларнинг бари қўлимизда. Агар ўзимиз айнимасак, ўзимиз истамасак, ҳеч ким уларни ихтиёримиздан тортиб ололмайди. Бу фазилатлар бизнинг бахтимиз ҳам.

Қишлоқ расмий равишда Иттифоқ деб аталса-да, одамлардан йўл сўрасангиз, Оқдарбанд деб сўранг. Чунки, хоразмликлар бу қишлоқни шундай атайдилар.

Кириб борганингизда қишлоқдаги ўзгача ҳолат сизни таажжубга солади. Одамларнинг шаклу шамойили бошқа жойдагилардан фарқли. Ҳа, фарқли. Тили ҳам, хусусан қарияларнинг тили. Ҳеч ҳайрон бўлманг. Бу ерда форслар яшайдилар.

Хўш, нега қишлоқ Оқдарбанд деб аталади. Не мўъжизаки, бу ерда форслар яшайдилар. Ана шу ерда одоб билан сукут сақлаш навбати бизга етди. Тингланг, сўзни Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий айтади. Шоир (айни замонда тенгсиз солномачи) машҳур тарихий асари «Риёзуддавла»нинг шаҳзода Раҳмонқули тўранинг Эронга юриши баён қилинган бобида қуйидагиларни (матни соддалаштирилган тарзда берилмоқда) ёзади: «Бу асарни ўқиганга маълум бўлсинким, ул тоғ Тус қалъасининг шимолий тарафида бўлиб, Нартаф номи билан машҳурдир. Ўша тоғ водийсида бир дарбанд[1] бор. Дарбанднинг кунботар тарафидаги оғзида бир қалъа бино бўлиб, унга Оқдарбанд деб ном берибдурлар. Дарбанднинг кунчиқар оғзида бир қалъа бино бўлиб, уни Муздурон атамишлар. Ул тоғдан Машҳад номи билан машҳур бўлган Тус шаҳригача саккиз фарсаҳлик масофадир. Оқдарбанд торликда Хуросонда тенгсиз бир йўлдир. Икки тарафида икки қоя осмонгача юксалмишдир, ул икки қоя ўртасида ислом лашкаридан қўрқиб, шундай девор бино қилмишларким, гўзаллик ва мустаҳкамликда Искандар деворига тенгдир. Бурж ва ўқ отадиган жойлари ҳам ғоят маҳкам ва баландликда мовий осмондан-да юксак, бу ерда фақат карвон ўтгудек бир йўл қолдирганлар. Водийда ватан тутиб ўтирган қизилбошлар давлату савлатда, ҳарбий ишлар учун қуролланганликда бошқа кофирлардан етук ва мукаммал эдиларки, улар ўз ичидан кучлиларини саралаб, уларни камолга етказиб, ўқ ва тош отмоқ учун кунг бурж ва ўқ отадиган жойларда қўйиб, душманлар келадиган бўлса, уларнинг йўлини тўсишни тай топширган эдилар...

Шаҳзода ярмолия тоифасининг ботирларидан бўлмиш Одий Вакилни бир неча қўрқмаслар билан, шижоатлилар билан йўлни очиш учун дарбанд устига буюрди. Улар дарбанд посбонларини ялпи қирғин қилиб, иккитасини асир олдилар ва маъмурлар қўлига топширдилар. Бундан хабар топган шаҳзода йўлга чиқди, қалъа деворларини йўқтириб ташлаб, тор йўлларни кенгайтирди ва у ердан ўзининг аскарлари билан водийга кириб борди, теварак-атрофни ишғол қилди, куффор устига офат чақмоғини чақди, уларни тўпга тутиб даҳшатга солди.

Душманнинг қўли баланд келиб, ғазабнок ва ҳаддан ташқари кўп аскарлари билан ўзларини қирғин қилишларини билгач, ул қалъанинг соҳибфармони Тоғихон қалъа улуғ[2]ларининг обрўси баландларидан бўлган Нури кадхудони ғолиблар ҳузурига шафқат тилатиб юборди. Нури кадхудо мулозимлар ҳамроҳлигида келиб Тоғихон бошлиқ қалъа аҳлининг бола-чақа, аёллар ва мол-мулкига омонлик беришларини тилади ҳамда Сарахс ўлкасининг ҳокими Одина Қуртхоннинг кафиллигига беришларини сўради, шунингдек, исломни қабул қилиб, тобеълик изҳор этди. Шаҳзода Одина Қуртхон орқали омонлик хушхабарини изҳор қилди. Бундан хабар топган қалъа аҳлининг каттадан кичиги шодланиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, имон аҳли орасига йўл топганларидан баён этдилар. Шаҳзода уларга лутфу эҳсон кўрсатди, уларни солур халқининг улуғларига топшириб, Сарахс юртига юборди, қайтиш насиб этса, бу элни Хоразмга олиб бориш истагини билдирди. ...сўнгра Оқдарбанд ўлкасидан Хоразми эрамбазм тарафига кўчириб, душанба куни ўзи куч изича йўлга чиқди... Хивакка кириб, файздин арк ичини муҳташам қилди... бу сафар юз йигирма уч кун давом этди ва ҳазрати подшоҳи карам Оқдарбанд элига марҳамат ва шафқат кўргузиб Зай диёрида ер бериб, барчасини ул мавзеда мутамаккин қилди. Холо бир улуғ эл бўлиб ўлтурибдурлар».

ЭНДИ ОГАҲИЙ бобомиздан узр сўраб, Хоразм хони Оллақулихон ўғли Раҳмонқули тўранинг ҳижрий 1241 йилда (янги сана—1825) Эронга қилган навбатдаги босқинчилигида асир олинган Оқдарбанд аҳолисига меҳру-шафқат кўрсатганининг асл сабабини изоҳлашга ҳаракат қилайлик. Маълумки, ўша даврда ислом дини мазҳаблари орасида низо кескин тус олган, Шайхулислом шиаларга қарши ғазотни тарғиб қилар, уларни қириб ташлаш ёки қул қилиб сотиш учун фатво берарди. Демак, Хива билан Эрон ўртасидаги уруш диний тусда бўлса, Бухоро хони билан ер-сув талаш мақсадида эди. Оллақулихон даврида Хива хонлигида эллик минг нафарга яқин қуллар бўлган. Хонликнинг ташқи сиёсий йўли — босқинчилик урушлари қора халқнинг бошига тушган кулфат, очлик, қашшоқликни ҳам белгилайди. Бундай пайтда сабр-тоқат чегарани бузади, эзилган халқ «ё ўлиш, ё яшаш» шиорини истаса-истамасада кўтаради. Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб қўзғалган халқ ҳар қандай ташқи душмандан ҳам кўп чандон даҳшатлироқдир.

Оллақулихон даврида Хива хони тасарруфида бўлган туркман, қорақалпоқ элатлари бир неча марта зулму истибдодга қарши бош кўтаришган. Ойдўстбий бошчилигидаги қорақалпоқлар исёни, туркманлар Сориқ қабиласининг узоқ давом этган қўзғолонлари шулар жумласидан. Айниқса, кўчманчи туркманлар хонлик учун хавфли душман саналганлар. Улар тез-тез солиқ тўлашдан бош тортишар, хон тайинланган қўғирчоқ ҳокимларни ўлдиришар, аксар ҳолларда Хивага юриш қилишдан ҳам қайтишмасди.

(Давоми иккинчи бетда).

---

[1] Дарбанд — (форсча) — берк эшик.

ДАРЁЛАР ТУТАШГАН МАНЗИЛ

(Боши 1-бетда).

Шундай нозик вазиятда хон ақлидрокига қулоқ тутиб, оқдарбандликлардан мустаҳкам истеҳком тариқасида фойдаланишни кўзлаган бўлса ажаб эмас. Демак, оқдарбандликларга кўрсатилган меҳру-шафқат, аслида уларнинг азалий вазифаларини — ўз ватанини ташқи душмандан ҳимоя қилиш — яна садоқат билан бажаришга ҳукм этган. Фақат эндиликда туғилиб ўсган тупроқни, муқаддас Ватанни эмас, эркни, озодликни ҳимоя қилиш зарур эди.

Тарихчи баён қилган Зай диёри Хива шаҳридан ўн беш чақирим шимолий ғарбда бўлиб, туркманларнинг юришлари одатда худди шу томондан бўларди. Бир чеккаси қумликларга туташ бу диёрда қисқа фурсатда кўзланган мустаҳкам ғов бунёд этилади. Туғма хиравий, жасур ва қайтмас оқдарбандликлар узоқ йиллар хонликни туркманлар ҳужумларидан ҳимоя қилиб келишди...

Давр ўзгарди. Замин, замон ўзгарди. Тарих тақозоси билан, диний нифоқ оқибатида Хоразмга келиб қолган бу истеъдодли, жасур инсонларнинг авлодлари ҳозир ҳам худди шу диёрда улуғ бир эл бўлиб ўтирибдилар.

«Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини билмайди». Бу маталнн зеру забар қилиб «Ўзганинг қадрини билмаган, ўз қадрини ҳам билмайди» тарзида қўлласа-да бўлади. Гап шундаки Ўзбекистоннинг турли гўшаларида тарих тақозоси билан бир замонлар бағримиздан ер тутган қардош халқлар вакиллари гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаётган жойлар ҳам бир талай. Бу инсонлар, албатта, биз билан қон-қардош, томир-чатиғ бўлиб, орамизга сингишиб бораяптилар. Уларни бегонасирашга ҳар қандай уриниш ғирт муртадликдир. Айни бир вақтда улар ўзлари мансуб бўлган халқларнинг урф-одатлари, тилини ҳам сақлаб келмоқдаларки, уларнинг бу фазилатлари нафақат ўзлари, балки бизнинг ҳаммамиз учун ҳам катта маънавий-интеллектуал имкониятлар очиб беради. Гап ана шу имкониятлардан қай ҳолатда фойдалана билишимизда. Мана шу қардошларимизнинг ўз ўтмишларига бўлган мутлақо табиий меҳр-муҳаббатларини, ихлосларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, тараққий топтиришларига имконият яратиб бера олишимизда. Акс ҳолда ўз она тилимиз, ўз тарихимизни ўрганиш борасида гапиришга, бу ҳуқуқимиз кимлар томонидандир етарли қадрланмаётгани тўғрисида оҳ-фиғон чекишимизга бизда ҳеч қандай маънавий ҳуқуқ қолмайди.

Биз тил биладиган таржимон мутахассисларнинг етишмаётганидан нолиймиз, классик адабиётимиз, бебаҳо обидаларимиз бунёд этилишида салмоқли аҳамият касб этган форс-араб тилларини биладиган лингвистлар йўқлигидан афсусланамиз. (Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқшунослик куллиётида таҳсил кўрадиган саноқлигина кишилар хорижий эллар билан маданий алоқаларга доир ишлардан ортмайдилар). Афсуски, ишимиз ҳозирча афсусдан нарига ўтмаяпти. Надомат билан иш битмаслиги, бу муаммоларни бартараф қилиш борасида муайян, амалий ишлар қилиш даври етганлиги аён. Сафсата ва армон кишилари эмас, балки орзу-умид ва омилкор кишилар бўлмоғимиз керак. Шу ўринда, ана шу кемтикни тўлдириш учун биз билан бақамти яшаётган миллатлар вакилларининг маънавий имкониятидан фойдалана билиш — бебаҳо хазинадир.

Мисолларга мурожаат қилайлик: ўтган йили Урганч ноҳиясининг Олауйлик қишлоғида ажойиб воқеа рўй берди. Бу ерда илгари таълим-тарбия ишлари туркман тилида олиб бориладиган етти йиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилди. Оқилона тадбир. Боиси, қишлоқда асосан туркманлар истиқомат қиладилар. Илгари ўқувчилар еттинчи синфдан кейин ўз туркманлиги билан хайрлашар эдилар. Эндиликда ўша мантиқсизликка барҳам берилди. Мактаб ўзбек ва туркман халқларининг дўстлигини ўз ҳаёти ва ижодида кўрсатиб берган инсон Маҳтумқули номи билан аталади. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қўшни Тошҳовуз вилояти қаламкашлари билан ҳамкорликда мактабни оталиққа олишни кўзда тутмоқда. Вақт келар, балки бу мактабда таҳсил кўрган ёшлар орасидан туркман адиблари, шоиру олимлар етишиб чиқар. Агар шу бахт мушарраф этса, бу олимлар, адиблар, шоирлар икки халқни бир-бирига улаб турғувчи ҳаётбахш қон томирларимиз бўлғувсидирлар.

ХАЛҚЛАРНИНГ ҚОН-ҚАРДОШЛИГИ маълум бир санада, юқори ташкилотнинг кўрсатмаси асосида кўзкўз қилиш учунгина ўтказиладиган сохта тадбирларда эмас. Халқларнинг қон-қардошлиги муайян шахсларнинг муайян дўстлиги, мутасадди ташкилотларнинг неча минглаб ана шундай дўстликларни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган самарали иши демакдир. Қуруқ қоғозбозлик, бақириқ-чақириқ, шиорбозлик, юқори учун «маълумотнома»лар тўлғизишнинг самараси кам.

Лекин... ёнимиздан оқаётган дарёларнинг қадрини билаяпмизми? Биз билан аралашиб яшаётган азизлар олдида виждонимиз покми? Уларнинг руҳий-маънавий йўқотишларига билиб-билмай ўзимиз ҳам «ҳисса» қўшиб, гуноҳкор бўлиб қолмаётибмизми?

Бу ва бу каби саволлар ҳар биримиз олдимизда кўндаланг туриши керак. Шунингдек, жумҳуриятдаги бу ишга масъул бўлган ҳар бир ташкилотнинг олдида ҳам.

Маданиятлар бир-бирларидан баҳра олиб турсалар фақат тараққий топадилар. Фақат мустаҳкамланадилар. Дейлик, ўз она тилини билмагани билан кеккайиб турадиган олифта айни пайтнинг ўзи гўё биламан деб ўйлаётган рус тилини ҳам таҳқирлаётган бўлади, «Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон, кўркни шода ичра топгай марварид, дурдона ҳам», дейди шоир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу дурдоналар тизилган шоданинг ришталари жон томирлари каби нафис ва ардоқлидир. Уларни узилиб кетишлардан асраш ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз.

Афсуски, айни кунларда публицистикамизда номарғуб бир мунозарани кузатиш мумкин. Бу мунозараларнинг бош мақсади — бизнинг миллий маданий ўтмишимизга асос солган азизларимизни «сеники-меники» деб, талаб-тортишишдан иборат бўлаяпти. Биз — ушбу сатрларнинг муаллифлари — кўплаб хоразмлик мўйсафидларнинг суҳбатларида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлганмиз. Ул суҳбатларда гап маънавий моҳиятлар ҳақида борарди, меросларнинг аҳамияти, умуминсоний мағзи ҳақида мусоҳабалар бўларди. Ота-боболаримиз халқлар дўстлиги хусусида биронта суҳбат тинглашмаган, биронта чақириқни ёд билишмасди. Улар дўст эдилар, бир-бирларининг тилини, дилини билишарди.

Бир-бири билан туташган манзилда дарёлар сув талашмайди, балки янада кенгроқ, янада зилол, янада равонроқ оқади!

Қулоқ бермиш сўзимга турк жон
ҳам,
Не турк жон, балким туркмон ҳам.
Ёки:
Мен тилаб меҳру, тилаб шоҳ бугун
наслу насаб,
Манго лўли била ҳинду, манго
қўнғирту қиёт.

Бу мисралар ҳазрат Навоий қаламига мансуб.

Биз эса.. Хоразмнинг жон томирига бир марварид, бир дурдонадек тизилган, лекин бугун кексаларнинг тили ва ёшларнинг дилида яшаётган Оқдарбанддаги форс тилини асраб қола билармиканмиз? Унутмаганларнинг дилига қадр, унутганларнинг дилига умид уруғини ташлаб, парваришлаб, қад ростлата олармиканмиз бу тилни? Шояд! Зеро, меҳру ихлос уруғлари ниҳоятда нозик. Бизнинг лоқайдлигимиз эса совуқ. Ёмон совуқ!

Оқдарбанд! Зай диёрининг улуғ эли Хоразмда Шўро ҳокимияти ўрнатилиши шарофатида тамомила озодлик ва ҳурлик топди. Бундан сал илгарироқ Хива хонлигида қулликка барҳам берилиши натижасида бир талай форсий хонадонлар ўз қондошларини қора тортиб келиб, шу ерда муқим қўним топишган, элнинг улуғлиги янада ортганди.

Оқдарбандликлар тенглик замонаси келишини кутиб, қўл қовуштириб ўтирадиганлардан эмас. Уларнинг қонида азалдан жангарилик, мардлик ҳосил эмасми, элнинг алп ўғиллари замоннинг ёвуз кучлари билан курашга отландилар. Шайдаков армияси қисмларига яқиндан ёрдам берган, маҳаллий аҳоли орасидан йиғилган кўнгилли сарбозларга қўмондонлик қилган Аҳмаджон Иброҳимовни олиб кўрайлик. Бу қаҳрамон халқ орасида «Аҳмад пирсиён» номи билан машҳур эди. Жасур форс йигити номи билан бугунда кўчалар ва Оқдарбанддаги мактаб аталмоқда.

Ёҳуд олишувда тенги йўқ Мусахон, Жумахон, Аюбхон, Ашир қорани айтинг. Душман галаларини тутдай тўккан бу мерганларни ҳамон ҳурмат, эъзоз билан эслайдилар.

ВАҚТ ЎТАВЕРДИ. Тузумлар ўзгарди, одамларнинг онги, маънавий дунёси ўсди. Ота-боболарининг тарих тақозоси билан ўз юртидан айри тушиш ҳикоятини билган кексалар, ўзларининг тилини, урф-одатларини тамомила унутган невараларини кўрган пайтларда кўзларида ёш билан бош чайқадилар. Колхоз тузамиз, кейин ҳаммамиз тенг ҳуқуқли бўлиб яшаймиз, деганлари сароб бўлиб чиқди. Ҳамма миллатларнинг тенглиги ҳақида айтилган гаплар ҳам қоғозларда қолди. Мактаблар очилгандан бошлари кўкка етганди: «Болаларимиз биздек оми бўлиб ўтишмайди». Аммо ёшлар бошқа имло, бошқа тилни ўзлариники деб қабул қилаётганини кўрганларида афсус-надоматлари... юракларида бир армон бўлиб қолаверди.

Хивалик Ҳусайн афанди форс тилидан сабоқ берганида, қишлоқнинг илк муаллимларидан бири Рўзимат Каримов (ҳозир ҳам ҳаёт), Бекчон Отажонов, Худойназар Матназаров каби ташаббускорлар билан ҳаракат қилишиб, Байрамалига бориб дарсликлар, китоблар келтириб, форсий синфлар ташкил қилишганида сўнаёзган умид учқунлари яна милтираганди. Ўшанда икки дунёнинг қарама-қаршилигини ўз бошларидан кечирган қариялар энди кўзимиз юмуқ кетади, деб яратганга шукроналар айтишган бўлса ажаб эмас.

Афсус, минг бор афсус. Барчага бахт, тенглик ато этадиган қонунлар мажмуаси дабдабали маросимлар билан қабул қилинди-ю, жаҳолатнинг мудҳиш исканжаси дастлаб ўша Қонунни бир овоздан маъқуллаган софдил кишиларнинг қўлини, бошини қирқишга тушди. Бутун мамлакатда тенгсиз қатағон авж олди. Бундан камсонли миллатларнинг вакиллари кўпроқ жабр чекишди.

86 ёшлик Худойназар бобо эслайди: «Э, не замонларни кўрмадик. Хива мадрасаларида таҳсил олган мулла Раҳматулло, мулла Отажон каби табаррук қариялар бўларди. Уларнинг қалин-қалин китобларни ўқиб, ўрганиб ўтирганларини кўрганман. Гоҳида бизларга ҳам сўзлаб беришарди. Бу китобларда диний таълимот эмас, дунёвий илмлар ҳам мужассам эди. Бирданига замон тескари бўлиб кетди. Араб имлосида неки битилган қоғоз бўрки, тортиб олинди, ўтга ташланди. Булар-ку китоб. Бизларга таъна қилганларини айтинг: «Бу тилни ҳалиям йўқотмадингми? Бу — ҳукуматга душман тил!» Фақат ўз тилини билгани, йўқотмагани учун неча бечора увол бўлиб кетди-я. Ражаб Хўжаев 18 йил «ётиб» келди, ҳукуматга нима ёмонлик қилганини билолмай гаранг. Матмурод Муродов йигирма йил бўлди деганда, қамоқдан қайтди. Агар сизларга айтсам, ишонмай кулишларинг тайин. Оқдарбандликларни ўша йилларда қамаш учун жуда жўн, баҳоналарни ўйлаб топишган.

Ёшлигимизда «Оқдарбанд ўйини» деган ўйин бўларди. Асосан аёлларимиз ўйнашарди. Ўзбекларда у пайтларда аёлларнинг эркаклар олдида юзини очиб ўйнаш одат эмасди. Унут бўлиб кетди. Қўшиқларимизни айтинг. Сафар Аваз форсча куйлаганда ер титрарди, ер! Ҳаммаси ўтди, биророрта биладиган тирик жон қолмади. Ҳаммасига ўша йиллар сабаб, ўша одамлар сабаб».

Ҳозирда 30-, 40-йилларда оммавий, ташкилий равишда ўтказилган қатағон қурбонлари ҳақида кўплаб ёзилмоқда. Таассуфки, таҳлил фақат юқори доираларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмоқда. Сталин ва унинг теварагидаги кишиларни сўкиш, лаънатлаш билан овунаяпмиз, сал пастроқ тушиш хаёлимизга келмаяпти. (Бу баъзиларга ёқмаяпти ҳам). Ахир ўша даврнинг ўз «кишилари», ўз «қаҳрамонлари», ўз «ижрочилари» бўлган-ку! Сталин «Оқдарбанддаги фалон кишини қаманг, қатл этинг», деб шахсан буйруқ бермагандир? Қўшнисиникига чиқиб, «Саватда нон қолмабди» — деб ўз арзини айтган бечорага «Сен Советда (ҳукуматда) нон қолмади, дебсан» дея «сиёсий айб» қўйган калтабинлар, иблислар ким эканлигини қачон биламиз? Архивлар қачон тилга киради? «Менинг отам инқилобдан чиққан қизил милиционер эди, бутун умри ҳукуматга душман гуруҳлар билан курашиб ўтган» — деб ўз оталари ҳақида фахрланиб, гердайиб (имтиёзларга эга бўлиб) юрган меросхўрларнинг юзларини қачон очиб берамиз?

Машъум 37-йилда Оқдарбанднинг 70 нафар йигити бошига қора кун тушди. 40 нафари ўққа учди. Уларнинг бирдан бир айби — тили «ҳукуматга душман»лигида эди...

«Ҳукуматга душман тил» билан гапирадиган 77 нафар Оқдарбанд йигити Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида жон олиб, жон берди. 44 йигитга ўз қишлоғини қайта кўриш насиб этмади. Кўксини орден-медалларга тўлдириб қайтган жангчилар токи кексайиб, пенсияга чиққунларига қадар эл-юрт ободонлиги, тинчлиги учун буюрилган ишдан бош товламай, виждонан меҳнат қилаверишди.

Кекса педагог Ислом ака Исмоилов ҳикоя қилади: «1942 йилда бизларни армияга чақиришди. Кўпчилик эдик. Ҳарбий комиссар қишлоғимиздан борган етти нафаримизни сафдан чиқишимизни буюрди ва... уйларингга кетаверинглар, сизлар эронийлар экансизлар, деди. Бир алам қилди, бир алам қилди. Сал кейин қурилиш қисмига олишди. Челябинскда бўлдик...

Отам шеър айтар эди:

Шимоло мезана бо барг гандум,
Ғарибам сойилам дар мулки
мардум,
Ғарибум, сойилум ҳеч кас нодарам
...

Эсдан ҳам чиқиб кетибди... Отамдан эсдалик китоблар бор. Бириси қандайдир девон... Кошки, ўқиб билсам...»

«Ҳукуматга душман тил»да гапирадиган Матёқуб Юсупов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвонини олди, қўш Ленин ордени тақди.

«Ҳукуматга душман тил» эгаси Исмоил Оллаберганов, Отамурод Ҳайдаров, Матрасул Жабборовлар узоқ йиллар фирқа ва шўро ишларида ҳалол хизмат қилиб, эл-юртнинг ҳурматини қозондилар.

«Ҳукуматга душман тил»ни биладиган орденли пахтакор Мамат Жуманиёзов, Ленин ордени нишондори Чаман опа Жуманиёзова, қишлоқнинг биринчи механизатори Назир ота Қаландаровнинг ҳаёти қишлоқ ёшлари учун ҳам ибрат, ҳам мактаб.

Қишлоқ Шўроси ижроия қўмитасининг раиси Мадиёр Оллоёров сўзлари: «Миллий масала бўйича ҳозирда очиқ-ойдин ёзишмоқда. Унда ҳам етарли эмас. Бундан йигирма-ўттиз йил олдин шу гапни оғзингиздан кўчириб кўринг эди, кунингизни кўрардингиз. Не-не бечоралар ўз миллатини айта олмай, боболари тилида гапира олмай ўтиб кетди.

Вазифамиз, туғилиш гувоҳномалари тўлдирамиз. Отаси ҳам, онаси ҳам форс бўлган фарзандга ўзбек деб ҳужжат берамиз. Иложимиз не, ота-онасининг буйруғи шу. «Бизлар қийналиб яшадик. Қўйинг болаларимиз тинчгина ўқисинлар, яшасинлар».

Ҳозир қишлоқда беш минг нафар киши истиқомат қилаётган бўлса, расман ҳужжатида форс деб кўрсатилганлар 520 нафар. Улар ҳам асосан қариялар. Лекин, ҳозир ҳам ўз миллатини фарзандларига мерос қилаётганлар йўқ эмас. Утган йили бир неча гўдакка форс деб ҳужжат бердик.

Мени тўғри тушунинг, гап инсоннинг миллати, мазҳабида эмас. Лекин, янги туғилган чақалоққа миллат танлаш ота-онанинг ихтиёрида ҳам эмас-да. Миллат — ҳар бир яралган жоннинг руҳида, жисмида...»

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИСМИ-ШАРИФЛАРИ яқин, ўхшаш, якдил. Аҳмад — араб, Аҳмад — форс, Аҳмад — афғоний, Аҳмад — уйғур, Аҳмад — ўзбек, Аҳмад...

...Қани исмдан ким ким эканлигини аниқланг-чи? Балки, шу сабабдир кўп миллат вакиллари яшаётган жойларда исмларига миллатини қўшиб (бу баъзида лақабга ҳам айланиб кетади) айтиш одат. «Отажон қозоқ, Ойсанам қирғиз, Собир ўзбек, Маҳмуд тожик, Йўлдош пирсиён...» Энди, шу ерда бир тўхтанг. Сўнгги кишининг исми ва миллати бирикишини қайта ўқиб, ичингизда шивирлаб айтиб кўринг. «Йўлдош пирсиён». Бирор нима сездингизми? Балки бирикма сал ғалатироқ туюлаётгандир? Йўқми? Сизга раҳмат! Энди сўзни «Иттифоқ» жамоа хўжалиги раиси Қадам Кенжаевдан эшитайлик: «Туғилиш гувоҳномамда миллатим форс деб ёзилган. Яшириб нима қилай, ғирт форсийман. Паспортимда эса ўзбек деб кўрсатилган. Нега дейсизми? Ўрта мактабни тугатиб, ўқишга кетаётган пайтимда катталар маслаҳат беришган: «Миллатингни ўзбек деб ўзгартириб ол. Бўлмаса у ёқда қийин бўлади». Ҳозир қайси миллат вакили сифатида менга «қийин» эканлигини изоҳлаб ўтирмай. Барибир одамга таъсир қиладиган томони бор-да!

Вилоятнинг бошқа бурчакларида танишларимиз-дўстларимиз кўп. Давраларда гоҳида ҳазиллашиб «ҳа, эроний» деб мурожаат қилишади. Куламан. Айримлар эса бу сўздан менинг аччиғланишимни кутишади. (Аччиғланадиганлар ҳам озмас-да). Нимага инкор қилай, нега жаҳлим чиқсин? Мана, биров сизга «ўзбек» деб муомила қилса, бурнингизни жийирасизми? Ёки ёқасидан оласизми? Аксинча, ўз миллатингиз борлиги, унинг бир вакили эканлигингиздан фахрланиш туйғуси уйғонади сизда.

Аммо, ана шу мурожаат эгаси гап оҳангида кесатиқ қилса-чи? Ёки ўзидан кетиб, сизни итоатгўй, ўзини ҳукмрон ҳис қилса-чи? Юз йил илгариги хон замонаси давридагидек. Ёки бундан атиги ўн йиллари олдинги мисол. Одамга қаттиқ ботади, қаттиқ. Бизнинг алоҳида хўжалик бўлиб ажралиб чиққанимиз сабабини ўша йиллардаги бизга нисбатан бўлган қараш, муомиладан ахтармоқ керак...»

1983 йилда Қўшкўпир ноҳиясининг кўп миллатли ва каттагина жамоа хўжалиги иккига ажралди: оқдарбандликлар «Иттифоқ» жамоа хўжалиги бўлиб бирлашишди. Хўжалик мустақилликка эришди-ю, хийлагина оғир иқтисодий қийинчиликларни ҳам мерос қилиб олди. 700 дан ортиқ хонадоннинг асосий тирикчилиги минг гектардан ортиқ майдонга қараган. Аксига олиб хўжалик ҳудудида на биророрта маъмурий бино, мактаб, боғча бор. Ҳатто чорвачилик фермаси ҳам йўқ эди. Яна давлатдан бир миллион сўм нақд қарзни айтинг.

Оқдарбандликлар ҳамжиҳат бўлиб ишга киришдилар. Ташландиқ ҳолда ётган ферма қайта тикланди, кенгайтирилди. Биринчи навбатда мактаб ва болалар боғчалари бунёд этишга эътибор қаратилди. Қурилиш бригадаси тузилди. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бу бригада қурувчилари колхозчиларнинг фаол кўмагида жуда қисқа фурсатда бир қатор маданий-маиший иншоотларни битказдилар. «Орзу» деб тилга олган автогараж ва устахона ҳам дастлабки йилнинг ўзида қад ростлади. Боғ йўқ эди, у янгидан бунёд этилди.

Жамият ҳаётини янги изга кўчира бошлаган қайта қуриш сиёсати эса бу борада талайгина янгиликларни, маъқул ўзгаришларни берди. Хўжаликда давлат маблағи ҳисобига 624 ўринли ўрта мактаб ва 90 ўринли болалар боғчалари қурилди. Қишлоқ қурувчилари ўз кучлари билан дўкон, 20 хонадонга янги турар-жой, еттита, дала шийпони, акушерлик-медицина пункти, чорвадорлар уйлари ҳамда саккиз йиллик мактаб қуриб, ишга туширдилар. Мактабга ўз юртдошлари, машҳур инқилобчи саркарда Аҳмаджон Иброҳимов номини беришди. Қисқаси уч йил ичида бир миллион юз минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

1986 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигига янгича иш юритиш усули — оила пудрати кириб келди. Барча экин ерлари 530 хонадонга пудратга берилди. Натижа нима бўлди, дерсиз? Уч йил ичида биргина пахта ҳосилдорлиги 46 фоизга ўсиб, умумий миқдори минг тоннага ошди. Ёки ҳар гектар ҳисобига ҳосилдорлик 10 центнерга кўпайди.

Бундай жадаллаштиришни бошқа тармоқларда ҳам кўриш мумкин. Сўнгги уч йиллик кўрсаткичларини қиёсан таққослайдиган бўлсак, қуйидагича манзара намоён бўлади: сабзавот 55 центнердан 115 центнерга, полиз 38 дан 93 центнерга, дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги эса 20 центнердан 50 центнерга кўтарилган. Даромад ошиб бораяпти.

Меҳнат унумдорлиги 14 фоиздан 35 фоизгача кўтарилди. Колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи шу даврда 84 сўмдан 140 сўмга қадар ўсди. Янги ташкил бўлган пайти бўғзигача қарзга ботган хўжаликнинг ҳозирда ҳамёнида миллион сўм маблағи бор.

Хўжаликда учта мактаб, иккита боғча, учта кутубхона, иккита маиший хизмат уйи, клуб, маданият уйи, учта дўкон, учта тиббий хизмат кўрсатадиган пункт аҳоли хизматида. Ҳар икки хонадоннинг бирисида шахсий автомашина ёки мотоцикл, ҳамма уйларда телевизор ва холодильник бор.

Айни пайтда мавжуд мактаблардаги ўринлар ўсиб бораётган аҳоли талабидан орқада қолгани, ўқишлар икки сменада ташкил этилганини, ҳаммом, ёзги клуб ҳамда стадион, спорт комплекси қурилиши эндигина планлаштирилаётганини ҳам қайд қилиб ўтган яхши.

Рақам ва кўрсаткичларни қориштириб, муаммо, камчиликлар ва ютуқларни санаб кимларнингдир энсасини қотирдик, шекилли. Бизнинг яшаш тарзимизни, турмушимиз даражасини, тирикчилигимиз аҳволини тўлароқ ҳис этиш, ҳеч бўлмаганда фаҳмлаш учун ҳам бу рақамлар керак. Айни пайтда бизда барча миллат ва элат вакилларининг бир оила фарзандларидек дўст, иноқ, тенг яшаётганликларини кўрсатишга ҳам хизмат қилади бу. Агар шу рақамлар йиғиндисига қишлоқда икки минг нафар ўрта ва 142 нафар олий маълумотли киши борлигини, уларнинг орасидан ўндан кўпроқ ихтисосликларни эгаллаган мутахассислар етишиб чиққани, форслар нафақат ўз жамоа хўжалиги, балки ноҳия ва вилоят миқёсида масъулиятли вазифаларда ишлаётганликларини қўшиб қўйсак бизни ҳеч ким «қизил гап»га берилишда айблай олмайди. Қишлоқ ёшларининг 10 нафари йигитлик бурчини қўшни Афғонистон тупроғида адо этиб, жанговар орден-медалларга сазовор бўлганликларини айтсак, янада аъло!

Мақоламиз бошида афсус ва нидомат билан зикр этилган масалага қайтиб, гапнинг дангалини айта қолайлик. Йўқ, яхшиси олдин бевосита «жабрдийда» бўлганлар сўзласинлар:

Хива Ичан қалъа музей-қўриқхонаси жамғармаси бошлиғи Комил Назаров: «Жамғармада сақланаётган китоблар, ҳужжатлар ҳаммаси араб имлосида битилган. Ҳар замон-ҳар замонда марказий шаҳарлардан «ҳол сўраб» келадиган кишиларни айтмаса (уларнинг аксар қисми ёзаётган илмий ишига манба ғамида бўлади) бу ноёб асарларни ўқийдиган одамнинг ўзи йўқ. Биз эса сақланишини назорат қилаётган пайтлари чиройли ҳошияли варақларни кўздан кечириб, арабий ва форсий битиклари — «қумирсқа изи»дек экан деб қўя қоламиз. Бундай китобларнинг сони юздан ортиқ Яна 50-60 та вақфнома, қозихатлар, Хоразм Халқ Жумҳуриятининг ҳужжатлари бор. Муҳташам обидаларнинг пештоқларида, шипларидаги турли битиклар ҳам араб имлосида. Ўқишга эмас, томоша қилишга арзиймиз, холос. Энди ўша ҳужжатларнинг биророртаси ишкал еган ёки пештоқлардаги нақш-кошинлар заҳа топган бўлса, ҳолимиз вой бўлишини кўринг. Ахир аслини аслига қайтариш учун ҳеч бўлмаганда «алиф»ни калтакдан ажрата олиш керакми? Керак!

Фрунзе номли мактаб директори Ҳайитбой Матёқубов: «Оталаримиз даврида қишлоқда форс тили ўргатиш бошлангани ва ташланганини биламиз. Кейинчалик ҳам айрим кишилар бунга ҳаракат қилиб кўришди. Педагог Аминбой Ҳасанов (форс тилини, грамматикасини жуда яхши биладн) ёзмаган жой, кирмаган идора қолмади. Нияти бир синф очмоқчи, болаларни ўргатмоқчи эди. Ҳеч қаерда гапи юрмагач, алам устида касбини ҳам ўзгартириб, мактабни ташлаб кетди... Тўғри қилган бўлса керак, негаки неча йиллаб ўқувчиларга инглиз, француз, немис, испан каби чет тилларни ўргатамиз. Натижаси нима бўлади: энг олғири, ўқувлиси нари борса ўша тилда ўнгача санашни эслаб қолади, холос. Бунақа расмиятчилик, учун қилинадиган нарса не керак? Шундоқ ёнимизда турган, ҳамон ўз тилини, ўзлигини йўқотмаган ота-оналаримиздан хотира бўлган форс тилини ҳеч бўлмаса бир синф тажрибасида ўргатишни йўлга қўйсак бўлмайдими?»

Кекса педагоглар, ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Раҳматуллаевлар: «Охирги икки-уч йилда бизнинг бу «эски касал»имиз яна қўзимоқда. Пастдан ҳам юқоридан ҳам гап-сўзлар бўлмоқда. Ўқитувчиларнинг кенгашида шу масалани кўтаргандик. Афсус, гап ҳолича қолиб кетаверди. Бировлар мутахассис-ўқитувчилар йўқ деб, яна бировлар дарсликлар камлиги (ёки умуман йўқлиги)ни рўкач қилишади. Дарслик масаласи тўғридир. Лекин, мутахассис бор, топилади. Ўзимизда шу эзгу иш амалга ошса, ҳаётини бахшида этишга тайёр бўлган кишилар бор.

Ташаббус билан ишни бошлаб юборсакми?... Лекин, юқоридан шаполоқдек қоғоз бўлмаса, бўлмайди-да! Қарор, кўрсатма керак...»

Оқдарбанд. Узоқ ўтмишда элимизга меҳмон бўлиб келиб, мезбонга айланиб қолган бу софдил, меҳмондўст, бағри кенг кишилар билан хайрлашиш онлари ётади. Хизматчилик. Ким билан мулоқотда бўлмайлик, чой ичиб, ниҳояси йўқ суҳбатларига ошно бўлмайлик, расмий ҳужжатларни рўпара қилаётган «давлат одамлари»ни гапга тутмайлик ҳаммаларининг нигоҳларида бир нур кўрамиз. Бу умид ифодалари. Бизни эса — уларнинг умидлари, истакларини юзага чиқаришга аҳд қилган кишиларни бир ҳижолат қийнайди: умидларни оқлаб бўладими? Қайта учрашувда орамиздаги ишонч йўқолмайдими?..

Уч кунлик сафар чоғида доимий ҳамроҳимиз бўлган хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Отахон Аюбов хайрлашаётиб, неча марта берилган саволни такрорлайди: «Қишлоғимиз номини қадимийчасига Оқдарбанд деб ўзгартирсак бўлмасмикан? Жамоа хўжалиги ҳам, қишлоқ ҳам бир номда — «Иттифоқ».

Билмадик...

Табаррук қария Худойназар бобо биз билан хайрлашгач, невараларини ёнига йиғиб, форс тилини — оталари, боболари, аждодлари, тилини ҳижжалаб ўргатишда давом этди.

«Сут» дегани нима? — «Шир».

«Ота» дегани-чи? — «Падар».

«Оначи?» — «Модар».

«Нон» дегани форсийда нима дейилади, ўғлим?

Невараси жавоб беролмайди...

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
шоир.

Рўзимбой ҲАСАН.
«Ёш ленинчи» мухбири.



Тасвирдаги лаҳзалар

Боку шаҳридаги М. Азизбеков номидаги Озарбайжон нефть ва кимё олий илмгоҳида ёш ногиронларга мўлжалланган куллиёт очилди. Кенг аудиториялар, компьютерли синфлар, замонавий ускуналар, даволаш-жисмоний тарбия заллари, сузиш ҳавзалари талабалар хизматида. Ушбу куллиётнинг илк битирувчилари программалаштириш бўйича муҳандис ва мутахассислар бўлишади.

Ярославлдаги 84-ўрта мактабда ҳам ўзига хос синф пайдо бўлди. Унда менежер касбини эгалламоқчи бўлган йигит-қизлар ўқийдилар.

СУРАТЛАРДА: Бокудаги ногирон талабалар компьютер синфида машғулот ўтказишмоқда; ўқувчиларга актёрлик маҳорати ва имиж менежерлик фанидан Ярославль театр билим юрти ўқитувчиси Н. Радькин сабоқ бермоқда.

О. МАМЕДОВ ва С. БЕЛЯКОВ суратлари.
(СИТА сурат лавҳалари).



Хорижлан хабарлар

ГАВАНА. (СИТА мухбири Сергей Кутиков). «Кубага қилинган ташриф чоғида ўтказилган суҳбатлар, сафарлар, учрашувлар кубаликлар Совет Иттифоқи билан дўстликка, партияларимиз ўртасидаги алоқаларга содиқдирлар, деган хулоса чиқариш имконини бермоқда», — деб таъкидлади чоршанба куни бу ерда ватанга қайтиш олдидан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби О. С. Шенин. У бу ерга КПСС Марказий Қўмитасининг делегацияси билан шу делегация раҳбари сифатида мазкур мамлакат компартияси раҳбариятининг таклифига биноан келган эди.

«Кубаликларнинг Совет Иттифоқига муносабатлари самимий, улар бизнинг аҳволимизни тушуниб, маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни бузаётганлигимиз учун бизга таъна қилишмаяпти. Жумҳурият халқи бундан буён ҳам биз билан дўст бўлиб қолишдан умидвор шунинг учун ҳам биз бундай муносабатларни узишга сира ҳақли эмасмиз», — деб таъкидлади О. С. Шенин СИТА мухбири билан суҳбатда. Айни пайтда, деб таъкидлади у, Кубада «ҳозир бу муаммолар мамлакат турмушига камроқ таъсир қилиши учун барча ишлар қилинаяпти, вужудга келган аҳволдан чиқиш йўллари изланаяпти. «Уларга оғир, лекин улар амалий ишлар қилишаяпти, бу эса энг асосийси», — деди О. С. Шенин.

Унинг фикрича, Куба раҳбарияти, хусусан, «меҳнат фаолиятини рағбатлантиришда маънавий ва моддий воситаларни етарли даражада моҳирлик билан уйғунлаштирмоқда». У ўзи билан 5 соат суҳбатлашган Фидель Кастро меҳнаткашлар иш ҳақи «Пировард натижага қараб» тўланишига катта эътибор беришини маълум қилди.

О. С. Шенин КПСС билан Куба компартияси ўртасидаги муносабатларни нормал деб баҳолаб, бу муносабатлар келажакда ҳам шундай бўлиб қолишига ишонч билдирди. У эътиборни ўзаро тажриба алмашиш жараёнига қаратиб, «Куба компартиясининг раҳбарияти ўз иши таркиби ва усулларини, Марказий Қўмита комиссияларининг вазифаларини кўп жиҳатдан ўзгартира бошлаётгани»ни таъкидлади. «Бу ишларнинг ҳаммаси тасодифан бўлаётгани йўқ, — деб уқтирди у. — Фидель Кастро Совет Иттифоқидаги вазиятни чуқур таҳлил қилаяпти ва шунга асосланиб, хотиржам ва ишонч билан хулосалар чиқараяпти ҳамда тегишли тадбирлар кўраяпти». «Бизнинг режаларимиз кўп жиҳатдан ўхшаш, шу туфайли, ўйлашимча, партиялар ўртасида жуда жиддий ҳамкорликни давом эттириш керак», — деди совет партия арбоби. Унинг сўзларига қараганда, Куба компартиясининг коммунистларни ўзлари яшайдиган жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятига жалб этиш тажрибаси эътиборга лойиқ. «Бу тажрибани, деб таъкидлади, у, биз ўз мамлакатимизга қўллашимиз зарур, зеро, «Одамлар яшайдиган жойларда тарғибот ишлари олиб борилмаса, партия сайловда қийин аҳволда қолади».

У Куба билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги саволга жавоб бериб, «жумҳуриятни иқтисодий қамал қилиш тўхтатилиши учун барча ишни амалга ошириш» зарурлигини таъкидлади. «Куба билан Амриқо ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига кўмаклашиш, лекин айни чоғда Куба билан ўз алоқаларимизни асло узмаслигимиз, бу алоқаларни ривожлантиришимиз лозим», — деди сўзининг охирида О. С. Шенин.


ЯПОНИЯ КОМПАНИЯСИ СОВЕТ ФАЗОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНМОҚЧИ

ТОКИО. (СИТА мухбири Вячеслав Бантин). Илк бор Япония компанияси Совет фазовий технологиясидан фойдаланмоқда. «Нихон Кэйдзай» рўзномасининг бугун хабар қилишича, «Тоно инжиниринг» компанияси (ТЭК) фазовий станцияда ҳаво ҳарорати ва намлигини бир меъёрда сақлаб туриш технологиясидан фойдаланиш учун рухсатнома сотиб олиш тўғрисида «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузди.

«Совет Иттифоқи коинотни ўзлаштиришда жуда бой тажрибага эга ва бу соҳага пешқадамлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам биз айни Совет фазовий технологиясидан фойдаланишга қарор қилганлигимиз табиийдир», — деди СИТА мухбирига «Тоно инжиниринг» компаниясининг коинотни ўзлаштиришга ёрдам бериш маркази раҳбариятининг аъзоси Микио Сато. Комплекс завод қурилмаларини ишлаб чиқарувчи йирик корхона бўлган мазкур фирма Совет Иттифоқи билан қадимдан яқин алоқа боғлаб келган ҳамда Совет Иттифоқига кўп маротаба дастгоҳлар ва бошқа саноат қурилмаларини етказиб берган.

Совет Иттифоқининг ҳаво ҳароратини ва намлигини бир меъёрда сақлаб туриш технологияси одам бошқарадиган «Мир» фазовий станциясида синовдан ўтди. Бу технология ҳаводан инсон организми учун зарарли бўлган барча моддаларни ажратиб олиш имконини беради. ТЭК ушбу технологиядан фойдаланиб, энг замонавий фазо техникасини яратиш соҳасида ўз ишланмаларини амалга ошириш ниятида. Келаси аср бошларига бориб халқаро «Фазовий клуб»нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланишга тайёрланаётган Япония учун бундай ишланмалар яқин келажакда зарур бўлиб қолади.

«Компаниямиз совет технологияси билан таниш, — деб таъкидлади М. Сато. — Бир неча йил муқаддам биз ўз лойиҳамизда ўғитлар тайёрлаш учун мўлжалланган совет технологиясидан муваффақият билан фойдаландик. Сўнгги вақтларда совет томони ўзи бизга таклифлар киритиб фаоллик кўрсатмоқда Биз буни фақат қутлашимиз мумкин. Биз келажакда совет технологиясидан — фақат фазовий технологиядан эмас, шу билан бирга бошқа кўпгина соҳалардаги технологиялардан ҳам кенг фойдаланишни истардик.



Ғарб матбуотининг хабар беришича Ироқда президент Саддам Ҳусайн шахсига сиғиниш чуқур илдиз отиб бораётир. Рўзномалар, ойномалар унинг нутқидан кўчирмасиз битта ҳам материал чоп этмай қўйди. Шаҳар кўчаларини ва хонадонларни «миллий қаҳрамон»нинг портретлари «безаб» турибди.

СУРАТДА: Ироқликлар ҳатто энг охирги тамакисини ҳам доҳий портрети олдида чекишмоқда.

СИТА сурати.

Телетайп лентасидан

ПРАГА. Ҳозир Чехословакияга хавф солаётган душман йўқ, деди бу ерда журналистлар билан бўлган суҳбатда ЧСФР мудофаа вазирининг ўринбосари Антонин Рашек. У янги мудофаа доктринаси концепциясини журналистларга тушунтириб берди.

У қўшинларни мамлакат ҳудудида бир текис жойлаштириш зарурлигини таъкидлади. Чехия, Моравия ва Словакия вилоятларининг ҳарбий бошқармаларини тузиш мўлжалланмоқда. Ҳарбий ҳаво кучлари ва осмон ҳужумидан мудофаа кучлари федерал органлар ихтиёрида бўлади.

Рашек армия муаммолари хусусида октябрь ойида ўтказилган социология тадқиқотларининг натижалари билан мухбирларни таништириб, саволларга жавоб берган кишиларнинг фақат 18 фоизи ЧСФРга ҳарбий ҳужум эҳтимолидан хавфсирамоқда, 78 фоизи бундан чўчимаяпти, деб таъкидлади.

ПАРИЖ. Франция Президенти Франсуа Миттеран бу ерга уч кунга расмий ташриф буюрган Исроил ташқи ишлар вазири Давид Левини қабул қилар экан, яна Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақирилишини ёқлаб гапирди. Франс Пресс агентлигининг Елисей саройи вакили сўзларига асосланиб хабар қилишича, Франция давлатининг бошлиғи Исроил вазири билан суҳбатда Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш мана шу нусхасининг афзаллиги аввало шундан иборатки, у барча манфаатдор томонларнинг бирга тўпланиб, мавжуд муаммоларни биргаликда муҳокама қилишига» имконият беради, деб таъкидлади.

ВАШИНГТОН. Ҳинду ақидапарастлари Ҳиндистоннинг Айодхья шаҳридаги мачит ўрнида ибодатхона қуришга уринаётганликлари муносабати билан мамлакат пойтахти — Даккада кескинлик кучайиб бораётганлиги сабабли унинг кўҳна ноҳияларида Бангладеш ҳукумати комендантлик соати жорий қилди.

Бангладеш аҳолисининг тахминан 84 фоизи — мусулмонлар, 12 фоизи — ҳиндулардир.

Бир гуруҳ намойишчилар шаҳарнинг кўҳна даҳаларидаги ҳиндулар ибодатхонасига ўт қўйишга урингапларидан кейин Даккада комендантлик соати жорий қилинди. Полиция ўт қўйилишининг олдини олишга муваффақ бўлди.

ВАШИНГТОН. БМТнинг Ироққа қарши жорий этган ҳар томонлама жазо чоралари мазкур мамлакатнинг иқтисодиётига таъсир қила бошлади. АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Маргарет Татуайлер бу ерда журналистлар билан бўлган учрашувда шу фикрни айтди. Ироқ нефти етказиб берилиши қамал қилиб қўйилганлиги, айниқса, самарали бўлиб чиқди, шунинг натижасида Бағдод нефть сотишдан олинадиган маблағнинг 97 фоизидан маҳрум бўлди. Мана шу энергетика хом ашёсининг ҳозирги нархи қимматлигини эътиборга олганда Ироқ ҳукумати ҳар ойда 2,5 миллиард доллардан маҳрум бўлмоқда.

ОТТАВА. Канада ҳукумати фармойиш чиқариб, Канада компанияларига Куба билан савдони тақиқлаш тўғрисидаги Амриқо қонунларини писанд қилмасликни буюрди. Бу ўринда гап флоридалик конгрессмен Конни Мэкканинг қонун лойиҳаси ҳақида бормоқда. Шу қонун лойиҳасига мувофиқ Амриқо компанияларининг бошқа мамлакатлардаги шахобчаларининг Куба билан савдо-сотиқ алоқалари қонунга хилоф, деб эълон қилинади. Мазкур қонун лойиҳасини АҚШ конгрессининг иккала палатаси маъқуллади ва энди президентнинг имзо чекишигина қолди. Шундан кейин қонун лойиҳаси кучга киради.

ҚОҲИРА. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, гўё Қувайт билан АҚШ Ироққа қарши биргаликда фитна қилишни режалаштирган эди, деб Бағдод қилган даъволарни Қувайт ҳукумати рад этди.

Қувайт бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Сабоҳ ал Аҳмад ас-Сабоҳнинг БМТ Бош котиби номига йўллаган мактубида бундай даъволар «ҳеч асоссиз уйдирма ва бўҳтон» деб таърифланади. Шундай баёнотлар ёрдамида Ироқ ўз тажовузкорлигини кечикиб бўлса ҳам оқлашга уринмоқда, деб таъкидлади Қувайт вазири.

Бағдод Қувайт ҳудудига ўз даъволарнинг ҳақлигини исботлаш учун Қувайтда босиб олган тарихий ҳужжатларни ва Қувайт ҳудудининг ҳақиқий хариталарини йўқ қилиб ташлади, деди Қувайт Ташқи ишлар вазири.

(СИТА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҒАРОЙИБ ҲОДИСА

● БУ ВОҚЕА Африканинг Бенки-Сети шаҳрида яшовчи банк хизматчиси Массамб Йорро хонадонида юз берди. Оила аъзолари нонушта қилаётган пайтда ўз-ўзидан чинни идишлар ҳаракатга келди. Ҳаттоки шакар солинган идиш ва кофе қутиси ҳам бир неча дақиқа стол устида муаллақ турди. Кечқурун эса бу ҳолат яна такрорланди. Бу сафар стуллар ҳаракатга келди, ойнаи жаҳон ўчиб қолди. Энг қизиғи, бурчакка қисиниб воқеаларни кузатиб турган мушукнинг юнглари нинадек тик кўтарилди. Йорро оиласида бундай воқеа биринчи марта содир бўлиши эмасми, болалар жуда қўрқиб кетишди, деб хабар беради Амриқонинг «Чикаго сан» рўзномаси.

МУШУКДЕК... СЕВИБ ҚОЛДИ

● ИДАР-ОБЕРШТЕЙНДА яшовчи Лендеман (ОФЖнинг Рейнланд-Пфальц ери) савдо фирмаларидан бирида тижорат ишлари билан шуғулланади. Иш юзасидан тез-тез бошқа ўлкаларда бўлишига тўғри келади. Ҳар сафар уйга қайтганида уни форс мушуги Фуффи остонада кутиб олади...

Фуффи ҳар гал соҳибига ўз муҳаббатини тасдиқлайди. Мюнхенда бўлган пайтида Линдеман қисқа рекламали эълон билан ойнаи жаҳонда чиқиш қилди. Эгасининг овозини эшитган Фуффи сакраб ўрнидан турди ва телевизор томон чопди. Ва то Лендеман сўзини якунлагунга қадар (бу бир ярим дақиқа давом этди) телевизор атрофида гир айланиб, миёвлади, деб ёзади «Франкфуртер рундшау» рўзномаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Саёҳатнома

ОВРУПОНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА

Чехиянинг жанубида — собиқ Олмония Федератив Жумҳурият сарҳадига яқин жойдаги Хеб шаҳарчасини кўриб қайтаётганимизда саёҳатбонимиз бизга йўл четидаги унча катта бўлмаган бир ёдгорликни кўрсатиб: «Оврупонинг қоқ маркази шу ерда, мана шу темир қозиқ шунинг учун қўйилган», — деди. У кўрсатган нарса — бўйи бир газча келадиган дум-думалоқ темир қурилма бўлиб, унга турли тилларда «Оврупонинг қоқ маркази» деган ёзув ўйиб туширилган эди. Ҳа, Оврупонинг қоқ киндиги Чехословакияда бўлиши ҳам бежиз эмас эди. Зеро унда Оврупога доир барча муаммолар мужассам. Бу ёққа келишимизда пан Вацлав йўл бўйидаги бир кўҳна иморатга ишора қилиб: «Мана бу саройга эътибор беринглар, биринчи жаҳон уруши шу ердан бошланган», — деди.

Маълум бўлишича, бу ер бир вақтлар Австрия-Венгрия империясининг асосий саройи бўлиб, эрцгерцог Франц-Фердинандга қарашли бўлган. У Сараевода отиб ўлдирилгач, шу саройда Сербияга қарши уруш эълон қилинган ва бу — Биринчи жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлган. Бунинг устига Чехиянинг иккинчи жаҳон урушида ҳам воқеаларнинг марказида бўлганлиги маълум. 1939 йил Мюнхен конференциясида Германия Чехословакиянинг Судет вилоятини талаб қилади ва уни босиб олади. Фашистлар чех халқи бошига жуда катта кулфатлар солишган.

Урушдан кейин Судет вилояти яна Чехословакия таркибига қайтарилди, тарихий ҳақиқат тикланди. Мени фақат бир ҳолат ташвишга солди: Чехословакия ҳукуматининг ҳозирги сиёсати, сарҳадсиз Оврупо учун интилиш натижасида Олмония Федератив Жумҳурияти билан чегаралар очиб қўйилган. Шу боисдан Ғарбий Олмониялик жуда кўп немислар Чехословакияга келишяпти. ОФЖ томонидан келаётган «Опел», «Мерседес», «Фольксваген» ва бошқа турли енгил машиналарнинг оқими узилмайди. Албатта келаётган немисларнинг аксарияти саёҳатчилар, лекин улар орасида бир пайтлар Судетда яшаганлари ҳам кўп экан. Ўзларининг бу ердаги уйлари, мол-мулкларини қайта қўлга киритиш пайида юрганлар ҳам йўқ эмас. Маълум бўлишича, Карлови Вари, Марианске Лазне каби истироҳат шаҳарларидаги айрим шифохоналарни немислар ижарага олишибди.

— Чегараларнинг очилиши айни муддао бўлди, биз ўз юртимизни кўришга муяссар бўлдик, — дейишди улар.

Чехиянинг энг жануб шаҳарларидан бири — Домажлиседаги баланд минора устига чиқиб атрофни томоша қилдик. Ғарбий Олмония сарҳади шундоққина — кафтдагидек кўриниб турибди.

Саёҳатбонимиз Хеб шаҳри яқинида бундан юз йил муқаддам Оврупodaги энг сўнгги вулқон отилганлигини, шундан бери у жим эканлигини айтди.

ЮЛИУС ФУЧИК — ҚАҲРАМОНМИ ЁХУД СОТҚИН!

Мен Прагада саёҳатбонимиздан Юлиус Фучикнинг музейини сўрадим.

— Бундай музей энди йўқ, Юлиус Фучикнинг шаҳарнинг марказий боғига кираверишдаги ҳайкалини ҳам олиб ташлашди, — деди у маъюслик билан. — Умуман Фучикни тарих саҳифасидан ўчиришмоқчи.

— И-е, нега?

— Негалигини ўзинг билиб олавер, — деди у.

Мен чехословак халқининг миллий қаҳрамони, машҳур матбуотчи, «Дор остида ёзилган репортаж» асарининг муаллифи, фашистларга бўй эгмаган мард инсон Юлиус Фучикнинг номи атрофида кейинги пайтларда бўлаётган гаплар га Шўро матбуотида ҳам кўзим тушган эди. Буни яхшироқ аниқлаб олиш учун саёҳатбонимизни яна саволга тутдим. Маълум бўлишича, Юлиус Фучик ҳақида анчадан бери турлича гаплар пайдо бўлибди. Чех ва хорижий эл матбуотида бир неча мақолалар босилиб чиқибди. Уларда савол: «Фучик — қаҳрамонми ёки сотқинми?» деган қабилида қўйилибди.

Юлиус Фучик Прагада фашистлар томонидан қўлга олингач, Панкрац қамоқхонасида сақланади ва у бу ерда ўзининг машҳур «Дор остида ёзилган репортаж» асарини яратади. Бу асарда у Прагадаги яширин ҳаракат аъзоларини «Мирек» (Ярослав Клецан) деган одам сотиши мумкинлиги ҳақида гапиради. Фучикнинг танқидчилари эса яширин курашчиларни Мирек эмас — Фучикнинг ўзи сотган деб даъво қилишаётган эканлар. Негаки, Мирек — Ярослав Клецан қамоққа олингандан сўнг у билган курашчиларнинг бирортаси ҳам қамалмаган эмиш, Фучик эса ўз сафдошларини ўзи сотиб, кейин айбни Мирекка ағдарган эмиш.

Лекин бундай туҳматларга индамай қараб туришни истамаган виждонли кишилар ҳам топилди. «Руде право» газетасида Ярослав Гора деган кишининг «Назоратчининг гувоҳлиги» деган мақоласи босилиб чиқди. У уруш йилларида Панкрац қамоқхонасида назоратчи бўлиб ишлаган ва «Дор остида ёзилган репортаж»нинг қўлёзмасини қамоқхонадан олиб чиққан назоратчи Адольф Колинский билан ҳамкорлик қилган экан. «Мен «Дор остида ёзилган репортаж»нинг ҳақиқатан ҳам шу ерда Юлиус Фучик томонидан ёзилганлигини ўз виждоним ва ҳаётим билан қасам ичиб тасдиқлайман», — деб ёзади собиқ назоратчи, кейинчалик фашистларнинг Матхаузен ўлим лагери маҳбуси бўлган Ярослав Гора.

1

ЧЕХЛАР ДИЁРИДА ЎН КУН

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Албатта, бу гапларнинг қайси бири ҳақиқат эканлиги, Панкрац қамоқхонасидаги фожиали воқеалар қай йўсинда кечганлиги тарихга ҳавола. Юлиус Фучикка шу кунларда бўлаётган салбий муносабатнинг сабабини «Дор остида ёзилган репортаж» ва унинг ёзилиш тарихидан излаш ноўрин. Бу — бир баҳона, холос. Мен бу масаланинг асл моҳиятини шу ерликлардан сўраб-суриштирдим.

— Юлиус Фучикка қилинган даъволар тасдиқланмади, — деди Прага шаҳар саёҳатбони Наталья Дворжакова.

— Юлиус Фучик олдинги, социалистик ҳукуматга керак эди, энди эса керак бўлмай қолди, — деди қовоғини солиб — саёҳатбонимиз Вацлав Солдатик.

— Фучик яхши одам эди-ю, фақат у коммунист эди-да... — деди бош чайқаб кекса ўқитувчи.

Ҳа, балли, гап худди ана шунда. Юлиус Фучик ёрқин истеъдодли, қалами ўткир журналист, ўз ғояларига чин дилдан ишонган коммунист эди. У ўттизинчи йилларда Шўролар Иттифоқида мухбир сифатида ишлади, Тошкентда, Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида бўлиб, кўрган воқеалари, кишилар ҳақида завқ-шавқ билан ёзди, ҳаётнинг кўпроқ ярқироқ томонларини тасвирлади. У хаёлий «нурли келажак» куйчиси эди, ўз даврининг фарзанди, фирқа аскари эди.

ШОВВОЗ ШВЕЙК ВАТАНИДА

— Ижозатингиз билан мен сизга айтсам...

Мамлакатнинг жанубидаги Чешске Будйовице шаҳрида бўлганимизда менинг ёдимга машҳур чех адиби Ярослав Гашекнинг «Шоввоз Швейкнинг бошидан кечирганлари» романининг бош қаҳрамони Швейк ва у ўз сўзини бошлайдиган юқоридаги машҳур ибораси тушди. Негаки, Гашек томонидан яратилган бу қаҳрамон асарда тасвирланишича, шу шаҳарда бўлган, унинг кўчаларидан юрган. Швейк — чех халқининг миллий қаҳрамонига айланган. Аскар Швейк ҳар қандай шароитда ҳам довдираб қолмасдан гап топадиган, тегирмонга тушса бутун чиқадиган, шу билан биргаликда ўзи жиндай меровроқдай туйилса ҳам, ҳар қандай донони бир чўқишда кочирадиган, билмасдан, талмовсираб ҳақ гапни гапириб жамият иллатини очиб қўядиган бир инсон тимсолидир. Эсингизда бўлса керак, шоввоз Швейк биринчи жаҳон урушига йўл олаётиб, Табор деган жойда поезддан тушириб қолдирилади ва у Чешске Будйовицега қараб пиёда йўлга тушади. У мана шу «буюк сафари» пайтида қанчадан-қанча «ўта ҳушёр»лар, «полиция айғоқчилари»нинг қўлига тушиб, не-не сўроқ-тафтишларга гирифтор бўлади, лекин ўзининг «дунёни сув босса тўпиғига чиқмаслик» феъли билан уларни енгади. Аслида Швейк Будйовицеда бўлганми-йўқми — маълум эмас. Чунки адиб унинг бу антиқа сафари орқали чехословак легионерларининг Россиядан Сибирь орқали ўз юртларига қайтишларини масхара билан тасвирлаган. Аммо бизнинг саёҳатбонимиз пан Вацлав бошқача фикрда экан:

— Йўқ, шоввоз Швейк Будйовицеда бўлган, — деди у жиддий тарзда.

Мен пан билан мунозара қилиб ўтирмадим. Зероки, ҳар бир чехда Швейкка хос бирор белгини учратиш мумкин. Шу боисдан ҳар бир масалага аскарларча «тўппа-тўғри» қаровчи собиқ ҳарбий пан Вацлав ҳам нимаси биландир унга (ёхуд унинг бошлиқларига) ўхшаб кетарди. Ҳайдовчимиз — иккинчи пан — Вацлав эса бошқа томони билан Швейкни эслатарди — у бир гапга тушиб кетса тўхтатиш амру маҳол эди. Умуман Чешске Будйовицедагина эмас, Прагадаги ҳар бир кишидан биттасидан Швейкка ўхшашлик топса бўларди. Прагадаги Швейк доимий кириб турадиган «У сойки» («Товоқ устида») деган қовоқхона ҳалиям ишлаб туракан, унда қиёфаси Швейкнинг нақ қуйиб қўйган — ўзига ўхшаш киши қовоқхоначи экан. Бу — чех халқининг ўз миллий қаҳрамонига — ҳар қандай шароитда ҳам бўш келмайдиган, завқ-шавқли, ҳаётсевар инсонга бўлган ҳурмат-эътиромининг ифодаси эди.

«Улуғ даврга улуғ кишилар керак, — деб ёзган эди Ярослав Гашек ўз қаҳрамони ҳақида. — Лекин Наполеон шуҳратига эришмаган, ҳеч ким томонидан тан олинмаган, камтарин қаҳрамонлар ҳам бор оламда». Ҳа, шоввоз Швейк шундай одам эди.

ЎЗГА ЮРТДАН ЎЗГА НАЗАР

Чехлар гапни силаб-сийпаб ўтирмайдиган, тўғрисўз одамлар бўлишар экан. Бир гал Чехословакиянинг аҳволи, келажаги борасида навбатдаги саволимни берганимда саёҳатбонимиз пан Вацлав:

— Э, пан журналист нима қиласан бизнинг тўғримизда бош қотириб ўз ғам-ташвишингни ўйласанг-чи, — деб қолди.

2



Чехословакиянинг келажаги шулар.



Вацлев майдонида мустабидлик қурбонлари хотирасига қўйилган гуллар.

Муаллиф суратлари.

Ҳа, ҳар каллада ҳар хаёлу ҳар кимда ҳар хил ташвиш. Оврўпо марказида бир турли муаммо бўлса — Осиёнинг марказида бошқача муаммойи азимлар. Майли, сиёсатни қўя турайлигу, мен Чехословакияда юриб Ўзбекистонимизнинг кундалик, мана-ман деб кўзга ташланиб турган ташвишларини ўйлаб кетдим. Кўм-кўк, худди қўл билан териб қўйилгандек сафба-саф ўрмонларни кўриб (Чехословакияда бир туп ҳам дарахт кесилмас экан; қурилиш учун ёғоч четдан келтирилар экан) биздаги кесиб ташланган, ваҳшийларча вайрон этилган боғлар, то қиртиш-қиртишигача «ўзлаштириб бўлинган» тўқайзорлар эсимга тушди. Тиниқ сувли дарёлар, кўлларга суқланиб қарар эканман, неча боралаб тўғон солиниб, кишанланган дарёларимиз, қуриб-қақшаб бораётган Оролимизни эслаб хўрлигим келди. Бу мамлакатнинг беғубор, киши симириб тўймайдиган ҳавосидан нафас олиб, ўзимизнинг рутубатли, заҳаромуз ҳаволаримизни ўйладим.

Сизга ёлғон, менга чин — Прагадай шаҳри азимнинг шундоққина четида бемалол ўтлаб юрган ёввойи кийикни кўрдим. Автобусимиз жанубдан — Чешске Будйовице тарафдан келаётган эди. Прагага яқинлашганимизда ўрмондан ёшгина кийик югуруклаб чиқдию, ўйноқлаб-ўйноқлаб йўл ёқасида тўхтаб бизни кузатиб қолди. Прагани қоқ иккига бўлиб оқадиган Влтава дарёсида эса саккиз юздан ортиқ оққуш истиқомат қилар экан. Бизда кийигу оққуш тугул одам яшаши ҳам амру маҳол бўлиб бораётганлигини алам билан дилимдан ўтказдим. Чехословакиянинг унча-мунча шаҳардан қолишмайдиган қишлоқларидан ўтатуриб, йигирманчи асрнинг охирида ҳам на газ, на сув, на ҳаммом, на бир тузукроқ иморат кўрмаган она қишлоғим Жалаер эсимга тушиб ўксидим. Прага ва бошқа шаҳарлардаги бир-биридан муҳташам, миллий меъморчиликнинг олий намуналари бўлмиш биноларни кўриб, шаҳарларимиздаги қалаштириб ташланган бефайз, хунукдан-хунук «дом»лар, темир-бетон иншоотларни эсладим. Ҳа, эл кўрмагунча кўз очилмас, деганларидек кичкина бир сафаримда топганим шулар, камини кўп ўринда кўргайсизлар.

(Охири. Боши ўтган сонда).

3

Халқ табобати

ТАБИБНИНГ НАБИРАСИ

Эшбойнинг табиати қизиқ. Рост, бир кўрганда унинг ҳазил-хузул гаплари ҳам сизга ғалати туюлади. Шубҳага борасиз: «Ҳеч ғайритабиий хусусияти бор одамга ўхшамайди-ку?» деб. Ишонгингиз келмайди.

Аввалига биз ҳам унга ишонмадик. Боиси, деярли ҳар куни турли хил гап-сўз, шов-шувларни эшитавериб чарчадик. Ҳозир «мен экстрасенсман» ёки «қўлимда биотоким бор» дегувчиларнинг сони беҳисоб. Биргина Тошкентнинг ўзида шундай хусусиятга эга бўлганларни (хатто бўлмаганларни ҳам) ўқитадиган бир неча уюшмалар фаолият кўрсатиб ётибди. Уч ойлик, олти ойлик, йиллик курслар. Бу ёғи қанчалаб маблағ сарфланяпти. Лекин тингловчилар ўз ёнларидан бу курсларга пул тўлаб ўқийдилар...

Эшбой Авазов ҳам шундай курслардан бирини тугатган. ССЖИ экстрасенслар уюшмасининг аъзоси. Асли Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидан. Уни саволга тутамиз:

— **Сиз ўзингизда қандай хусусият бор деб ўйлайсиз?**

— Ўзим ҳам ҳали яхши билмайман. Тағин ажабланманг, «алдаяпти» деб. Менимча, ўзида ғайритабиий куч борлигига кўзи етган ҳар қандай одам ўз имкониятлари даражасини ўлчолмайди. Бу жуда мушкул. Катта гапирмаслик керак. Чунки узоққа бормайлик, биргина Ўзбекистонни олиб кўрайлик. Бизда ҳозир соғлом кишилардан кўра беморлар сони кўп.

Гуржистонга бордим. Машҳур Жуна Давиташвили хузурига. Энди айтсам, сизга ёлғон, менга чин, унинг қабулида бутун мамлакатга донғи кетган казо-казо кишиларни кўриб ҳайратга тушдим. Бир томондан жаҳлим чиқди. Нега десангиз, худди шундайлар бир пайтлар Жуналарнинг йўлига тўғаноқ бўлишган эди-ку? Ё ёлғонми? Мана Муассарни ҳам қанча сарсон қилишди, қанча тортишувлар, баҳслар. Охири тан олишди. Шунинг учун мен ҳам ҳозирдан «ҳар қандай касалликни даволайман» деб катта гапиролмайман. Ихлос қўйган билади.

Шу пайтгача мақтанишмас, ҳар ҳолда бир неча хил хасталиклар билан оғриган беморларга қилган муолажаларим фойда берди. Менинг бор «хунар»им қўлимда эса...

— **Жунага қайтайлик. Уни бутун дунё билади. Шунингдек, унинг ўзи ташкил этган мактаби ҳам ишлаб турибди. Лекин ҳар ким бу мактабда ўқий олмайди. Демоқчиманки, Гуржистонда халқ табобатчилигига, қолаверса экстрасенсларга бўлган эътибор нисбатан баланд. Лекин тарихни бир кўздан кечирсак, гуржиларга ҳам бу куч-қудратлар осмондан ёки ғойибдан келмаган. Аслида Шарқнинг илиқ шамоллари шу ёққа эсиб кетган бўлса ажабмас?..**

— Ҳақиқатан ҳам, Жуна ўрта осиёликларга жуда ҳурмат билан қарар экан. Мактабига биз томондан борганларни жон-жон деб қабул қилади, суяйди. Унинг ўзи ҳам биринчи навбатда Ибн Синони устози деб билади.

Бизнинг дурдоналаримиз неча юз йиллар давомида ҳар ёққа сочилиб кетган. Уларни териб олиш қўлимиздан келмаяпти. Масалан, улуғ бобомиз Алишер Навоий яратган фалон машҳур асарнинг асл нусхаси Парижда ёки Лондонда сақланаётган эмиш деган гапларни эшитсам, ёқамни ушлайман. Ёки Ленинградда буюк боболаримизнинг халқимизнинг ноёб жавоҳирлари неча йиллардан бери кўз-кўз қилиниб ётибди. Ўзимизда эса...

Халқ табобати ҳам шундай. Хайриятки, кеч бўлсада, савоб ишларга қўл урдик. Мени қийнаётган нарса, бизда ҳозиргача Криловнинг машҳур масалидаги воқеа давом этаяпти. Бошимиз оққан томонга қараб кетаяпмиз. Энди халқ табобатига бўлган муносабат бутунлай ўзгариши керак. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан экстрасенслар уюшмаси биргаликда ҳаракат қилмаса бўлмайди. Оддийгина мисол: Мана менинг қўлимда уюшманинг гувоҳномаси ҳам дипломи. Лекин мен ўзим яшаётган Сурхондарёга бориб соғлиқни сақлаш муассасасидан алоҳида жой олиб беморларни қабул қилолмайман. Чунки бунинг учун вазирликнинг махсус рухсатномаси бўлиши керак.

•

Эшбойнинг куйиниб айтган гапларида жон бор. Албатта уюшма томонидан йўлланма берилган кишилар орасида ҳар хил тоифадагилари бор. Лекин асосийси, халқнинг кўнглига йўл топиш керак. Бир ёқда кун сайин хасталиклар сони ошиб бораётган бўлса...

Яна Эшбой ҳақида. Аввал айтмаганди. Унинг бобоси Мамашукур Охун асли катта табиб бўлган эканлар. Бухородаги мадрасалардан бирида таҳсил олган Охун бобо тиббиёт билимларидан ҳам жуда яхши хабардор бўлган. У киши ўша пайтларда тарқалган жуда кўп бедаво хасталикларни даволаб элга танилган экан. Албатта авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳунар барибир ерда қолмади. Энди унинг изидан набираси бораяпти. Лекин Эшбой касалликларни бошқача усулда даволашни ўзлаштирган. Бармоқлари билан бераётган муложалари гоҳ бировга таъсир қилади, гоҳ...

У ҳали бобосига етгунича эҳ-е, қанча машаққатлар турибди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

«Обуна—91»



Нон ва жон қайғусида

«КАМАЛАК»


ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



БАХТИЁРЛИК.

Ё. ХУЖАМБЕРДИЕВ суратлавҳаси.

Ёшлар ижоди



Асадулла ЖЎРАЕВ. Қашқадарё вилоятининг Китоб ноҳиясида туғилган. ТошДД журналистика куллиётининг 3 курс толиби.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

ТАБИАТ

Барибир, табиат устундир,
Йўқдан бор бўлмагай
аслида.
Яшаш шартдир, бердими
ҳаёт.
Гул шаклида, одам
шаклида.
Барибир, табиат устундир.
У хоҳласа кўнгилга
маҳрам
Юсуфсурат шаҳзодаларни
Ошиқ этур қурбақага
ҳам.
Бир кун ажал келса-ю
устун,
Жисминг чил-чил бўлса
ҳам, ёху! —
Тупроқ этиб сақлагай
танинг
Янги шакл топгунича у!

* * *

Асал экан сенинг
тилгинанг,
Асал экан лабларинг ёқут.
Унутарман барин
жимгина,
Ушал ўпич бўлмагай унут.
Қабрда ҳам мамнун
ётарман,
Ўша бўса олий паноҳим.
Йўқса қон-у зардоб
ютарман,
Ёндирадир юлдузни оҳим.
Ёниб кетса юлдузлар
магар,
Мени қарғаб куяр бу
очун.
Айт, лабимни шаккардан
шаккар,
Пешонамни шўр этдинг
нечун?!

Асадулла ЖЎРАЕВ.

Редакциямизга вилоят корхоналаридан бирида ишлайдиган йигит келиб бу йил журналга ўз коллективидаги 40 кишини обуна қилдирганини қувониб гапириб берди.

— Журналингиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни севиб ўқиймиз, — деди у, — унга ҳар йили обуна бўламиз...

— Шошманг, шошманг, газетагами ё журналгами?

— Журналга — «Адабиёт ва санъат» журналига!

Унга «Санъат» журналини кўрсатиб, «шунгами?» десак, «Ҳа, албатта, шунга» деди. Лекин обуна паттаси эса, газетага расмийлаштирилган эди.

Бу воқеа бизни анча ўйлантириб қўйди. Кўплаб ўқувчиларнинг «Санъат» журналини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси билан алмаштириб қўйишлари, бир томондан, журнални яхши билмасликлари оқибатида содир бўлса, иккинчидан, «Союзпечать» бўлимларида яқин кунгача «Санъат» журнали рўйхатга кирмай қолгани сабаб бўлган.

Обуна масаласи бу йил ана шундай объектив ва субъектив сабабларга кўра оғир кечаётган бир пайтда айрим кишиларнинг оёқда эмас, оғизда одим ташлаб, чойхонабоп гапларни матбуот орқали бутун музофот аҳлига тарқатиб юриши таажжубли ҳол, албатта. «Ёш ленинчи»нинг 24 октябрь сонида Хуршид Давроннинг бир нуфузли анжуманда айтган «шу кунларда «Санъат» ойномаси бекилиши ҳақида гаплар юрибди. Менимча, бу ойномани «Мерос»га айлантириш ва унда қадимий асарларни чоп этиш оқилона иш бўларди», деган гапи келтирилган. Ажабо, бундай миш-миш кимга керак бўлиб қолди? Наҳотки, бирор хайрли иш бошқа эзгуликни поймол этиш эвазига бўлса? Ўрта Осиёда ягона бўлган «Санъат» журналининг шу тоифадаги Бутуниттифоқ ойномаларига қиёс қилганда икки баробар кўп нашр этилиши халқимиз маънавий эҳтиёжидан далолат бермайдими? Бундан ташқари, бирор журнал ёки газетанинг эшигини очиш ёки ёпиш битта дарвозабон ихтиёридаги иш эмас. У жамият ва халқ маънавияти мулки ҳисобланади. Бу мулк эса билиб-билмай, ўйлаб-ўйламай айтилган сўз ва харҳашалар самараси эмас, тарихий тараққиёт натижаси, истиқбол шамчироғидир.

«Санъат» журнали қаторида «Мерос» ойномасини ташкил этиш мумкин. Унинг ҳам ўз ўрни, вазифаси ва муштарийлари бўлади, бири иккинчисини инкор этмайди, аксинча, тўлдиради. Халқимиз маънавиятини янада кенгроқ ифодалаш имконияти ортади.

«Санъат» журналининг нақадар халқимиз учун кенг меҳнаткаш омма ва айниқса, ўзини зиёли деб санъат, нафосат ва бадиият оламидан бебаҳра юрган-юрмаган одамлар учун нақадар зарур эканини айтмасам ҳам бўлади. Ўтган йиллар давомида «Санъат» журналида нашр этилган санъат ва маданият, мерос ва асори-атиқа ёдгорликларига, ёшларни эстетик тарбиялаш хусусидаги материаллар улар бўйича келган хат-хабарлар устида тўхташнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун журнални варақлаб, кўз югуртириш кифоя. Энди, 1991 йилдан бошлаб журнал олдида турган вазифалар ва режаларимиз хусусида гапирмоқчиман.

Республикамизда маданият соҳаларига, клуб, кутубхона, тасвирий санъат, музика ва ҳаваскорлик бўйича мустақил журнал бўлмагани учун «Санъат» журнали баҳоли қудрат мана шу соҳаларнинг барчасига доир материаллар бериб боришга даъват этилган. Ана шундай шароитда, кам сонли ходимларга эга бўлган журнал барча маданий ва бадиий-эстетик муаммоларни қамраб ололмаслиги табиий. Лекин кенг меҳнаткашлар эстетик онги ва бадиий тафаккурига таъсир қилиш, инсон ҳаётини инсонлаштириш борасида қайғуриш ойноманинг асосий мақсадидир. Ана шу тариқа, журнал 1991 йилда ҳам ўз фаолиятини 3 йўналишда олиб боради: биринчидан, жумҳуриятимиздаги санъат турлари ва жанрларининг муаммолари, халқ билан санъат ўртасидаги мураккаб ижтимоий-тарихий алоқадорликлар қайта қуриш талаблари даражасида ёритилади. Нон ва жон қайғуси ҳаммани ва ҳаммаёқни қоплаган бир замонда одамларни нафосат оламидан узилиб қолмаслик йўлларини излаш ва бундай мураккаб даврда маданий савия кишилар руҳини поклантирувчи омил эканлигини ифодаловчи материаллар кўплаб нашр қилинади; иккинчидан, халқ миллий туйғулари юксалган, миллатнинг ўзини-ўзи англаб тарихий ролини онгли равишда тушуниб ета бошлаган даврда шубҳасиз унинг ўтмиши ва маданий мероси тарих сатҳига қалқиб чиқади. Ким эдик, ким бўлдик ва ким бўламиз, деган савол барчани баробар қийнамоқда. Бинобарин, бой маданий меросимизнинг қоронғу бурчакларини зийрак кўз гавҳарлари билан ёритиш эҳтиёжи ортмоқда. Меросимизнинг жавоҳир қатламлари, бугунги аҳволи куюнчак одамларнинг дил нолалари тарзида зикр этилади; учинчидан, инсон маънавиятини йўналтирувчи республикамизнинг маданий-маърифий аҳволи, кутубхона ва клублар, ҳаваскорлик тўгаракларига эътиборни кучайтириш энг долзарб муаммо бўлиб қолди.

Нон ташвиши ҳам ортда қолиб кетар, қийинчиликлар бартараф этилар, гўзал ўлкамиз ўзининг азалий ва абадий фаровонлик кунларини қайтариб олар, бироқ жон ташвиши, маданият ва маънавият қайғуси ҳеч қачон йўқолмайди.

Жамият иқтисодий ҳаёти қанчалик танг аҳволга тушган сари одамлар маънавиятидаги кемтиклик, маданиятидаги ожизлик кўзга шунчалик кўп ташланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги ташвишларимиз маданий ҳаётнинг оёғига болта урмасмикан, деган ташвишни ҳам туғдирмоқда. Миллат, халқ ва ўлка истиқболини кўзлаган жумҳурият раҳбарлари маданият масалаларига ҳам эътиборни кучайтириш режаларини тузмоқдалар. Ахир мамлакат учун не ишлар қилинмасин, пировардида халқ маънавиятининг, маданиятининг юксаклиги ёки пастлиги билан ўлчанади. Маданиятга бефарқлик — миллатга беписандлик бўлиб қайтади.


Яқинда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари 1990 йилнинг 1 ноябридан давлат театрларига, концерт-филармония ташкилотларига бир ойда бир марта бепул боришини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор ёш авлодни бадиий маданиятнинг энг яхши намуналарига ошно қилишга, уларда юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни, бадиий дидни шакллантиришга қаратилган.

Бу қарор муносабати билан олий ўқув юртларида эстетика, маданият тарихи дарслари мунтазам олиб борилиши кўзда тутилади. Афсуски, ўзбек тилида на эстетикадан, на маданият тарихидан қўлланмалар бор. Бинобарин, «Санъат» журнали 1991 йилдан бошлаб йирик файласуф, санъатшунос ва маданият назарияси мутахассисларини жалб этиб, студент-ёшларни жаҳон ва халқимиз маданияти тарихи билан таништирадиган материалларни мунтазам ёритиб боради.

«Санъат» журнали олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар халқимиз ва ёшларимиз маънавиятини, дидини ва нафосат тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга қаратилган. Ноябрь ойи ичида қолган оз фурсатдан фойдаланиб журналга обуна бўлган муштарийлар янги йилдан халқимиз санъати, маданияти ва маънавиятига доир илмий ва публицистик мақолалар, эссе, пьеса, очерк ва ҳикояларни ўқиш имкониятига эга бўладилар. Журналнинг бир йиллик обуна нархи 12 сўм. Индекси — 75324.

Тилаб МАХМУДОВ,
«Санъат» журналининг бош муҳаррири.

Бошқотирма



ЧАЙНВОРД: 1. Войнич асари. 2. Тожик-совет адиби. 3. «Қутлуғ қон» романининг қаҳрамони. 4. Адабиётдан ёзма иш. 5. Ўзбек — совет ёзувчиси. 6. Ўзбек халқ достони. 7. «Хоразм» романининг муаллифи. 8. Ўзбек — совет шоири. 9. Шеърий ўлчов. 10. Ш. Сиддиқийнинг «Фиғон» романидан бир персонаж. 11. Ўзбек классик поэзиясида қўлланиладиган система. 12. «Оловли йўллар» кинокартинасидан бир образ. 13. А. Дюманинг «Уч мушкетёр» асари қаҳрамонларидан бири.

КРОССВОРД. Бўйига: 1. Шароит. 2. Кема қисми. 3. Гулзор. 4. Тоза оқ пахта. 7. Юмшатилган ер. 8. ССЖИ космонавт-учувчиси. 10. Ўт-олов. 12. Тоғ гули. 16. Ўқимишли, доно киши. 18. Жўхорининг дони йўқ қисми. 19. Фавқулодда ҳол. 21. Дарёдан ажралиб чиққан ариқ. 22. Шахмат донаси. 23. Европадаги давлат. 27. Халқ оғзаки ижодиёти. 28. Тожикистон телевидениесининг информацион программаси. 29. Ток ўлчов бирлиги. 30. Марта.

Энига: 5. Духоба. 6. Даволаш усуллари ва воситалари 9. Дала экини. 10. Мўғулистондаги дарё. 11. Ривоят. 13. Мақом шўъбаларидан бири. 14. Ҳўл мева. 15. Тошкент вилоятидаги дам олиш маскани. 17. Иш қуроли. 20. Камар. 22. Ўтмиш кечмиши. 24. Ҳ. Олимжон асари қаҳрамони. 25. Япроқ ва меваларда ҳосил бўлган доғ. 26. Оналар қўшиғи. 29. Улкан иншоот. 31. Кимёвий элемент. 32. Ўзбекистон ССЖ халқ рассоми. 33. Қитъа.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

Европага дарча очдилар

Хорижий бозорга чиқишга, ишчиларнинг ўз меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлигини оширишга интилаётган Андижон ип газлама бирлашмаси йигирув фабрикаси жамоаси ўз корхонасини ижарага олди.

Энди «Туркистон» ижара корхонаси» деб ном олган фабриканинг ҳар бир ходими ўзини ишлаб чиқаришнинг соҳиби сифатида ҳис этмоқда. Уч ой давомида янгича шароитда ишлаш натижасида режалаштирилганидан 40 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Йигирувчиларнинг маоши ҳам анча кўпайди. У ўрта ҳисобда 140 сўм ортди. Бу эскидан сақланиб келаётган кадрлар қўнимсизлиги муаммосини ҳам ҳал этиш имконини берди.

Иқтисодий мустақиллик «Туркистон» жамоасига фақат қонуний ҳуқуқларгина эмас, айни вақтда хорижий шериклар билан амалий равишда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун ҳам катта имконият яратди. «Туркистон» ижарачилари ҳозирнинг ўзида чиқиндиларнинг бир қисмини Бельгиядаги «Ди-Би-Си» фирмасига сотдилар. Ана шу фирма билан бундан кейин ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланган. Андижонлик йигирувчилар бельгиялик шериклари билан Брюссель шаҳрида ўз фирма дўконларини очиш тўғрисида келишиб олдилар.

ТАЙЁРАДАН ТЎҒРИ МЕҲМОНХОНАГА

Наманган қўнимгоҳи ёнида қад кўтарган тўққиз қаватли меҳмонхона саёҳатчиларни қабул қилишга тайёр. Вилоят марказидаги бир неча пудрат ташкилоти уни бунёд этиш билан шуғулланди.

Вилоят ижроия қўмитаси билан фуқаро авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси Наманган шаҳрида замонавий талабларга жавоб берадиган зўр меҳмонхона қуриш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Меҳмонхонада бир вақтнинг ўзида 240 киши дам олиши мумкин. Бундан ташқари авиация хизмати ходимлари шифохонаси учун 60 ўрин ажратилган.

(ЎзТАГ).

ТВ

4 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

* * *

9.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 9.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Ўзбекистон ва Қирғизистон ўқувчиларининг мусобақаси. 10.50 «Ҳамма гап акамда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 12.05 «Халқ ижодиёти». Яллалар. 12.45 «Касбим — фахрим». 13.10 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.45 «Даврага кел, дугонажон».

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича ССЖИ чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Стадион». Телефильм. 18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.00 «Кичкинтой» программаси. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Келинг, бир кулишайлик». Дам олиш программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дил наволари». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ишқдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Здоровье». 13.45 «Мусиқий киоск». 14.15 Болалар учун телекўрсатувлар I Бутуниттифоқ фестивалининг совриндорлари. «Почемучка» (Калининград). 14.45 «Немис диёридаги учрашувлар». 15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Олтин соч». Бадиий фильм (ЧСФЖ). 18.30 Конкурсдан сўнгги ўйлар. Ёш артистлар халқ рақслари ижрочилари I Бутуниттифоқ конкурси ҳақида. Куйбишевдан кўрсатилади. 19.05 «Май ойида ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси («Грузиятелефильм»). 20.05 1990 йил қўшиқлари. 21.30 «Вақт». 22.00 «Одий ва мангулик ҳақида». 22.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 22.30 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 9 ва 10-серялар. 23.10 «Хорда эса менинг овозим эшитилиб туради». «Рус хор ижрочилиги» ижодий устахонаси.

● МТ II

14.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

16.45 «КОАПП». Мультфильм. 16-серия — «КОАПП ёрдамга чақиради». 16.55 «Планета». Ҳафталик программа. 17.55 «КВН-90». Днепропетровск Давлат дорилфунуни ва Донецк Политехника олийгоҳи командаларининг учрашуви (6 октябрдаги кўрсатув тартиби). 19.40 Консерваториянинг катта залида Ғ. Кулишов концерти (фортепьяно). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Самовий капитан». Мультфильм (АҚШ). 20.45 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан).

* * *

23.00 Н. В. Гоголь. «Ревизор». ССЖ Иттифоқи Давлат академик Малий театри телевизион фильм-спектакли.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28608.